

1777/5052 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: أَنْكَحَنِي أَبِي امْرَأَةً ذَاتَ حَسَبٍ، فَكَانَ يَتَعَاهَدُ كَنَّتَهُ فَيَسْأَلُهَا عَنْ بَعْضِهَا، فَتَقُولُ: نِعَمَ الرَّجُلُ مِنْ رَجُلٍ، لَمْ يَطَأْ لَنَا فِرَاشًا، وَلَمْ يُفْتِشْ لَنَا كَنَفًا مُذْ أُتِينَاهُ، فَلَمَّا طَالَ ذَلِكَ عَلَيْهِ، ذَكَرَ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَقَالَ: الْفَنِي بِهِ. فَلَقِيْتُهُ بَعْدُ، فَقَالَ: كَيْفَ تَصُومُ؟ قُلْتُ: كُلَّ يَوْمٍ. قَالَ: كَيْفَ تَحْتِمُ؟ قُلْتُ: كُلَّ لَيْلَةٍ. قَالَ: صُمْ فِي كُلِّ شَهْرٍ ثَلَاثَةً، وَاقْرَأِ الْقُرْآنَ فِي كُلِّ شَهْرٍ. قُلْتُ: أُطِيقُ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: صُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ فِي الْجُمُعَةِ. قُلْتُ: أُطِيقُ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ. قَالَ: أَفْطِرُ يَوْمَيْنِ وَصُمْ يَوْمًا. قَالَ: قُلْتُ: أُطِيقُ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: صُمْ أَفْضَلَ الصَّوْمِ صَوْمَ دَاوُدَ، صِيَامَ يَوْمٍ وَإِفْطَارَ يَوْمٍ، وَاقْرَأْ فِي كُلِّ سَبْعٍ لَيْالٍ مَرَّةً. فَلَيْتَنِي قَبِلْتُ رُحْصَةَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَذَلِكَ أَيُّ كِبْرَتْ وَضَعْفَتْ. فَكَانَ يَقْرَأُ عَلَى بَعْضِ أَهْلِهِ السُّبْعَ مِنَ الْقُرْآنِ بِالنَّهَارِ، وَالَّذِي يَقْرُؤُهُ يَعْزِضُهُ مِنَ النَّهَارِ، لِيَكُونَ أَحَفَّ عَلَيْهِ بِاللَّيْلِ، وَإِذَا أَرَادَ أَنْ يَتَقَوَّى أَفْطَرَ أَيَّامًا، وَأَحْصَى وَصَامَ مِثْلَهُنَّ، كَرَاهِيَةً أَنْ يَتْرَكَ شَيْئًا فَارَقَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَيْهِ.

1777.5052. Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Абдуллоҳ ибн Амр шундай деди: «Отам мени насл-насабли бир аёлга никоҳлаб қўйди. У келинидан хабар олиб турар, ундан турмуш ўртоғи ҳақида сўрар, (келини) эса: «У эрларнинг энг яхшиси. Бироқ унинг олдига келганимиздан бери биз учун бир тўшак босмади ҳам, бизга бирор бир пана қидирмади ҳам»,\* дер экан. Ундаги бу ҳол чўзилиб кетгач, бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилган экан, у зот: «Уни менга рўпара қил», дебдилар. Кейинроқ у зотга рўпара бўлган эдим: «Рўзани қандай тутяпсан?» дедилар. «Ҳар куни», дедим.\* «Хатмни қандай қияпсан?» дедилар. «Ҳар кечада», дедим. У зот: «Ҳар ой уч кун рўза тут, Қуръонни ҳам ҳар ойда ўқиб чиқ», дедилар. «Бундан кўпроққа ҳам тоқатим етади», дедим. «Жумада (хафтада) уч кун рўза тут», дедилар. «Бундан кўпроққа ҳам тоқатим етади», дедим. «Унда икки кун оғиз очиқ юриб, бир кун рўза тут», дедилар. «Бундан кўпроққа ҳам тоқатим етади», дедим. «Унда энг афзал

рўзани - Довуднинг рўзасини тут: бу бир кун рўза тутиб, бир кун оғиз очик бўлишдир. Ҳар етти кечада (Қуръонни) ўқиб чиқ», дедилар».

(Абдуллоҳ:) «Қанийди Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг рухсатларини қабул қилган бўлсам. Мана энди кексайиб, заифлашиб қолдим», деди.

У ўз аҳлидан бир кишига Қуръоннинг еттидан бирини кундузи ўқиб берар, кечаси енгилроқ бўлиши учун ўшанда ўқийдиганини кундузи унга ўқиб ўтказар эди. Куч тўпламоқчи бўлса, бир неча кун оғиз очик юрар ва ҳисоблаб туриб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан айрилганидаги ҳолатидан бирор нарсани тарк этишни истамаганидан, ўшанча (кун) рўза тутар эди».

Абу Абдуллоҳ айтади: «(Ровийлардан) баъзилари: «Уч кунда», «Беш кунда», кўпчилиги: «Етти кунда», деган».\*

\* Аёл бу гап билан эрининг у билан бирга ётмаганига, унга парво қилмаётганига ишора қилган.

\* Бу ва кейинги гапдаги «дедим» сўзи Султония нусхасининг асл матнида «деди» шаклида, яъни «□□□□□» деб берилган. Мазмун ва таржимага қулайлиги эътиборидан хошиядагиси олинди.

\* Абу Абдуллоҳ, яъни имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ ушбу ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳафтада бир хатм қилишни буюрганлари айтилганига эътибор қаратиб, баъзи ривоятларда бу муддат уч кун ё беш кун дейилгани, аммо кўпчилик етти кун деганини маълум қилмоқда. У киши бу билан энг афзал хатм ва кўпчилик саҳобаларнинг вазифаси бир ҳафтада бир бора хатм қилиш бўлганига ишора ҳам қилган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVAT MARVARIDLARI

